

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Х У К М

2024 йил ноябрь ойининг 01 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Ғ.Негматов, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримқулов, судланувчи С.Ғафуров ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Нуруллаевларнинг иштирокида, судланувчи Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичга нисбатан 1-1416-2401/407-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Ғафуров Саидмумин Абдужалилович (G'afurov Saidmumin Abdujalilovich)** 1989 йил 17 январь куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 (беш) нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Ургут тумани “Ўрта Вағашти” маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “таров” қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 2 октябрь куни олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ғафуров Саидмумин Абдужалилович, амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланган “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги уруғларини, Ургут туман “Юқори Вағашти” маҳалласида жойлашган, ўрмон хўжалигига тегишли тоғли ҳудудларининг 2x10 метр квадрат катталиқдаги ер майдонига келгусида сотиш мақсадини кўзламасдан, 2024 йилнинг ўрталарида ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда экиб, униб чиққан жами 59 (эллик тўққиз) туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимликларини тагини юмшатиб, сув қўйиб, маҳаллий ўғит қуйиб, парвариш қилиб етиштириб келаётганлиги 2024 йил 07 сентябрь куни соат 15:30ларда ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ТҚХ ЖҚБ гиёҳвандлик ва психатроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўлими тезкор ходимлари томонидан аниқланиб, тоғли ҳудудда жойлашган ер майдонидан жами 59 (эллик тўққиз) туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимликлари ҳамда шу атрофда жойлашган буталар орасидан 1 дона рангсиз целофан пакетга солинган ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги 558,21 (беш юз эллик саккиз бутун юздан йигирма бир) граммга тенг бўлган кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик моддаларини келгусида ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги ҳамда атрофга ташлаб кетилган 4 (тўрт) дона гиёҳвандлик моддаларини истеъмол



қилиш учун мўлжалланган 0,5 ва 1 литр ҳажмли елим баклашкалар аниқланиб, холислар иштирокида далилий ашё тариқасида хужжатлаштириб олинган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМнинг 2024 йил 12 сентябрь кунги 877-сонли хулосасида, С.Ғафуров маҳаллани тоғли ҳудудларида эккан 59 (эллик тўққиз) туп яшил рангли, хўл ҳолдаги ўсимликлар таркибида гиёҳванд модда - тетрагидроканнабинол мавжудлиги, бу ўсимликлар “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги турига кириши кўрсатилган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМнинг 2024 йил 12 сентябрь кунги 878-сонли хулосасида, С.Ғафуров томонидан сақлаб келинаётган яшил рангли, куруқ ҳолдаги ўсимлик моддаси таркибида фаол гиёҳванд модда - тетрагидроканнабинол мавжудлиги, бу ўсимлик моддаси “марихуана” гиёҳвандлик моддаси турига кириши ва куруқ ҳолдаги соф оғирлиги 558,21 (беш юз эллик саккиз бутун юздан йигирма бир) граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМнинг 2024 йил 10 сентябрь кунги 879-сонли хулосасида, С.Ғафуров томонидан сақлаб келинаётган 3 (уч) дона кўринишидан 1 (бир) литр ҳажмли, 2 (икки) донаси қопқоқсиз, 1 (бир) донасини оғиз қисмига ўртаси бир нечта майда тешилган ялтироқ рангли фальга ўрнатилган, ҳар уччалодини ҳам ички томонлари сарғайиб қорайган ва пастки қисмлари бир жойидан тешилган ҳолдаги елим баклашкаларда ва 1 (бир) дона кўринишидан 0,5 литр ҳажмли, оғиз қисмига ўртаси бир нечта майда тешилган ялтироқ рангли фальга ўрнатилган, ички қисми қорайган ва пастки қисми бир жойидан тешилган ҳолдаги елим баклашкада гиёҳванд модда - тетрагидроканнабинол излари мавжудлиги, аниқланган модда тетрагидроканнабинол излари жуда кам миқдорда бўлганлиги сабабли соф оғирлигини аниқлашнинг имкони бўлганлиги кўрсатилган.

РИНИАМ Самарқанд вилояти минтақавий филиалининг 2024 йил 20 сентябрь кундаги 641-сонли хулосасида, С.Ғафуровда “Каннабиноидли гиёҳвандлик” белгилари мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 96-моддасида кўзда тутилган мажбурий даволаш чоралари мухтож эканлиги, даволанишига қарши кўрсатмалар йўқлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида Ғафуров Саидмумин Абдужалилович қўйилган айбга иқрорлик билдириб, тахминан 2003 йилда Россия давлатига ишлаш мақсадида борган вақтида “марихуана” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишни бошлаганлиги, ўзи истиқомат қилиб келаётган Ургут тумани “Ўрта Вағашти” маҳалласи ҳудудидаги тоғ ён бағрида дарахтзори бўлиб, атрофидаги адирликларда чорва молларини боқишлиги, чорва молларини боқишда дам олиш учун шу ерга кўрпа-тўшак ва бошқа ашёларни олиб бориб қўйганлиги, бир куни чорва молларини дарахтзор яқинда боқаётган вақтида ўсиб турган 59 туп “Каннабис” гиёҳвандлик ўсимликларини кўриб қолиб, ўзи гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишлиги сабабли шу ўсимликларга сув қўйиб, парваришлаб келганлиги, ўсимликларни остига ушиб қолган барглари олиб, қуриштириб, целофан пакетга солиб сўйганлиги, бир қисмини эса чорва молларини боқиш учун борган вақтида баклашка орқали истеъмол қилиб турганлиги, ушбу манзилда 59 туп



гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб турганлигидан ундан бошқа ҳеч кимни хабари бўлмаганлиги, 2024 йил 7 сентябрь куни соат 16:00ларда қўшниси Орипов Қобилни шу ерга бирга овқатланиш учун чақирганлиги ҳамда Қ.Орипов келгач, иккаласи овқатланиб ўтиришган вақтида “Дрон” учиб келиб атрофни тавсирга ола бошлагач, у Қ.Ориповга гиёҳвандлик ўсимликларини юлиб ташлаб, йўқ қилишга ёрдам беришликни сўраганида Қ.Орипов гиёҳвандлик ўсимликларига аралашмасликни айтиб кетиб қолганлиги, шундан сўнг у гиёҳвандлик ўсимликларини юлиб ташлаб, кўрққанидан воқеа жойидан қочиб кетиб қолганлиги, бир неча кундан сўнг тергов органига ўз қилмишига иқрорлик билдириб келганлиги, гиёҳвандлик ўсимлиги ва целофан пакетда аниқланган гиёҳвандлик моддасига Қ.Ориповнинг алоқаси бўлмаганлиги, шу куни Қ.Орипов уни олдига биринчи маротаба борган бўлганлиги, гиёҳвандлик ўсимлиги баргларини бир ўзи истеъмол қилиб келганлиги ҳамда целофан пакетда бўлган гиёҳвандлик моддасини келгусида истеъмол қилиш мақсади бўлганлигини, гиёҳвандлик моддаси сотиш билан шуғулланмаслигини баён қилиб, қилмишидан пушаймонлигини, мукаддам судланмаганлигини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичнинг суд терговидида айбига иқрорлик билдириб кўрсатув берганидан ташқари, унинг айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган гувоҳлар ва иш ҳужжатларида мавжуд суд терговидида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни:

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Орипов Қобил Нуриллаевичнинг, судланувчи С.Ғафуров қўшни бўлиб яшашлиги, 2024 йил 7 сентябрь куни қўшниси С.Ғафуров кўнғироқ қилиб, маҳалла ҳудудидаги тоғ ён бағрида эканлиги, шу ерга келса бирга овқатланишни айтгач у уйда зерикиб ўтирганлиги сабабли С.Ғафуров айтган манзилга борган вақтида С.Ғафуров ўтирган жойни атроқида гиёҳвандлик ўсимликлари ўсиб турганлигини кўриб, С.Ғафуров гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, етиштириб келаётганлигини, кўрпа-тўшак ва бошқа ашёларни олиб келиб, ўзига шароит яратиб олганлигини билганлиги, бироқ бу ҳақида С.Ғафуровни ўзидан сўрамаганлиги, улар биргаликда овқатланиб ўтиришган вақтида “Дрон” қурилмаси учиб келиб, атрофни тасвирга ола бошлагач С.Ғафуров унга ўсиб турган гиёҳвандлик ўсимликларини юлиб олиб, йўқ қилишга ёрдам беришлигини сўраганида, С.Ғафуровга гиёҳвандлик ўсимликларига аралашмаслигини айтиб, кўрқиб қолган ҳолда тоғдан пастга тушиб кетаётган вақтида икки нафар ИИБ ходимлари уни ушлаб, воқеа жойига олиб келганидан сўнг ИИБ ходимлари шу ерда ўсиб турган 59 туп гиёҳвандлик ўсимликлари, целофан пакетда бўлган, қуритилган ҳолдаги гиёҳвандлик моддаси, тўрт дона елим баклашка ва бошқа ашёларни ҳужжатлаштириб олишганлиги, у гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилмаслиги, шу куни ҳам С.Ғафуров билан биргаликда гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилмаганлиги, С.Ғафуров томонидан экиб, етиштирилиб келинаётган гиёҳвандлик ўсимликларига алоқаси йўқлиги, С.Ғафуровнинг илтимосига асосан у билан бирга овқатланиш учун борганлиги ва



гиёҳвандлик ўсимлиги экилганлик ҳолатига гувоҳ бўлганлиги, муқаддам шу манзилга бормаганлиги, 2024 йил 12 сентябрь куни уни ҳам жиноят иши бўйича экспертизадан ўтказиш учун олиб келишганида, фуқаролардан гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилганлиги аниқланган шахсни жавобгарлиги енгил бўлишлиги ҳақида эшитганлиги сабабли муқаддам йўлдан топиб олган, ўзида бўлган гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келганлиги сабабли унда гиёҳвандлик истеъмол қилганлиги аниқланганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

Бундан ташқари С.Ғафуровнинг айби жиноят ишида мавжуд бўлган билдирги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фотожадвал, судга оид кимёвий экспертизанинг 877, 878, 879-сонли хулосалари, далилий ашёлар экспертизасининг 359-сонли хулосаси, воқеа жойини кўздан кечириш давомида топилган телефон апаратини кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотожадвал, тақдим қилинган нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотожадвал, далилий ашё деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, амбулатор суд-наркологик экспертизанинг 641-сонли далолатномаси ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, юқоридаги дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган судланувчи С.Ғафуровнинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбул далиллар деб эътироф этади.

Суд, судланувчи С.Ғафуровнинг қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган “каннабис” гиёҳвандлик экинларни экиб, етиштиришда ифодаланган жинойий ҳатти-ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Гарчанда, С.Ғафуров гиёҳвандлик ўз ҳолатида ушиб чиққанлиги, аммо у томонидан экилмаганлиги тўғрисида ўз кўрсатувларида маълум қилган бўлсада, унинг ушбу кўрсатувлари дастлабки терговда тўпланган ва суд тергови жараёнида аниқланган ҳолатлар билан инкор этилади.

Чунки, С.Ғафуров ўз кўрсатувларида, “Ўрта Вағашти” маҳалласи ҳудудидаги тоғ ён бағрида дарахтзори бўлиб, атрофидаги адирликларда чорва молларини боқишлиги, чорва молларини боқишда дам олиш учун шу ерга кўрпа-тўшак ва бошқа ашёларни олиб бориб қўйганлиги, бир куни чорва молларини дарахтзор яқинда боқаётган вақтида ўсиб турган 59 туп “Каннабис” гиёҳвандлик ўсимликларини кўриб қолиб, ўзи гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишлиги сабабли шу ўсимликларга сув қўйиб, парваришлаб келганлиги, ўсимликларни остига тушиб қолган баргларини олиб, қуритиб, целлофан пакетга солиб қўйганлиги тўғрисидаги кўрсатувлари,

Судланувчининг жинойий ҳаракатлари, яъни 59 (эллик тўққиз) туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимликларини тагини юмшатиб, сув қўйиб, маҳаллий ўғит қуйиб, парвариш қилиб етиштириб келаётганлиги 2024 йил 07 сентябрь куни соат 15:30ларда ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ТҚХ ЖҚБ гиёҳвандлик ва психатроп моддаларнинг



ноқонуний айланишига қарши курашиш бўлими тезкор ходимлари томонидан аниқланган вақтида, С.Ғафуров томонидан ўзи томонидан содир этилган жиноят излари йўқ қилиш мақсадида, ушбу 59 (эллиқ тўққиз) туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимликларини экилган жойидан узиб ташлашга қаратилган ҳаракатлари “Дрон” орқали тасвирга олингани билан инкор этилади ва ушбу важларини жинойий жавобгарлик ҳамда жазони енгиллаштириш мақсадида уйлаб топилган важ деб баҳоланади.

Бироқ, тергов органи томонидан судданувчи С.Ғафуровнинг курук ҳолдаги 558,21 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келганликдаги қилмиш ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 25-бандида “25. Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб кўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак” деб раҳбарий тушунтириш берилган бўлиб;

Судга оид кимёвий экспертизанинг 12 сентябрь 2024 йилдаги 878-сонли хулосасига кўра, С.Ғафуров томонидан сақланиб келинган, яшил рангли, курук ҳолдаги модда “Марихуана” гиёҳвандлик моддаси эканлиги ҳамда соф оғирлиги 558,21 граммни ташкил этишлиги аниқланган.

Гарчанд, С.Ғафуров гиёҳвандлик билан хасталанган ҳамда ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораларига муҳтож бўлса-да, бироқ С.Ғафуровдан аниқланган “Марихуана” гиёҳвандлик моддасининг миқдори истеъмол қилинадиган миқдордан кўп бўлиб, бундан ташқари аниқланган “Каннабис” гиёҳвандлик ўсимликлари 59 тупни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида эса озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида сақлаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Судланувчи С.Ғафуровнинг қилмиш ҳаракатларида ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд бўлса-да,



бирок амалдаги қонунчилик бўйича биринчи инстанция судлари айбловни оғирроқ томонига ўз ташаббуси билан ўта олмаслиги, ишни судда кўриш вақтида судланувчи ёки тарафлардан айбловни қонунга мувофиқлаштириш учун ишни айблов хулосани тасдиқлаган прокурорга қайтариш бўйича илтимосномалар келиб тушмаганлиги боис, суд айбловнинг ушбу қисмини ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан баҳолашдан четга чиқа олмаганлиги сабабли айбловнинг ушбу қисмини ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан жавобгарликка тортишни лозим топади.

Суд, судланувчи Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар баҳолаб, унинг ҳолатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқ тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

- 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

- 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши” ҳақидаги;

- 3-бандида “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши” ҳақидаги;

- 26-бандида “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агарда бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши” ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деган қатъий хулосага келиб, гиёҳвандлик ўсимлиги ҳамда



гиёҳвандлик моддасининг тури ва миқдорини алоҳида эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми санкцияларида назарда тутилган озодликни маҳрум қилиш жазоси тайинлашликни, жазони манзил-колонияларда ўташни белгилашликни, унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартириб, суд залидан қамоққа олишни, жазони ўташ жойларида ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чорасини қўллашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган, ДХХ Самарқанд вилояти бошқармасига сақлаш учун топширилган, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган 557 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик моддаси, 59 туп “Каннабис” гиёвандлик ўсимлиги ҳамда Ургут туман ИИБ хузуридаги ТБнинг АДСХда сақланаётган 4 дона елим баклашкаларни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларига амал қилиб, суд,

### Х У К М Қ И Л Д И:

**Ғафуров Саидмумин Абдужалилович (G'afurov Saidmumin Abdujalilovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 01 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан қамоққа олинсин.

С.Ғафуровга нисбатан жазони ўташ жойларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораси қўлланилсин.

Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисобида сақланаётган 7.000.000 (етти миллион) сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргач Ғафуров Саидмумин Абдужалиловичнинг яқин қариндошларига тегишли тартибда топширилсин.



Ашёвий далил, ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси АДСХда сақланаётган 557 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик моддаси ва 59 туп “Каннабис” гиёвандлик ўсимлиги ҳамда Ургут туман ИИБ хузуридаги ТБнинг АДСХда сақланаётган 4 дона елим баклашкани ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ғ.Негматов**

